

ISSN: 2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ

ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

3-СОН

МАРТ, 2023



IMFAKTOR
PAGES



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
НОМЕР-3

ФУНДАМЕНТАЛ
ТАДҚИҚОТЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ
3-СОН

FUNDAMENTAL STUDIES
SCIENTIFIC-PRACTICAL JOURNAL
VOLUME-3



ТОШКЕНТ - 2023

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Тахририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Матибаев Т. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Абдурахмон Хасанов

Тахририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Иқтисодиёт фанлари

ШИРАНОВА Мархабо Иноятовна

Тошкент молия институти, мустақил тадқиқодчиси

<https://10.5281/zenodo.7755961>

МАЛАКАТИМИЗДА ИНВЕСТИЦИЯ ПОРТФЕЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мамлакатимизда инвестиция портфелини шакллантириш ҳамда капитал баҳосини баҳолаш орқали миллий иқтисодиётимизда инвестиция фаолиятини ривожлантириш йўллари юзасидан фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестиция фаолияти, инвестиция портфели, капитал, капитал баҳоси, даромадлар, харажатлар.

СОВЕРШЕНСТВУЕМ СПОСОБЫ ФОРМИРОВАНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОГО ПОРТФЕЛЯ В СООТВЕТСТВИИ С НАШИМИ НАВЫКАМИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье описываются способы формирования оценки капитала при формировании инвестиционного портфеля в нашей стране, а также развития инвестиционной деятельности в нашей национальной экономике.

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционная деятельность, инвестиционный портфель, капитал, оценка капитала, доходы, расходы.

WE ARE IMPROVING THE WAYS OF FORMING AN INVESTMENT PORTFOLIO IN ACCORDANCE WITH OUR SKILLS

ANNOTATION

This article describes the ways of forming an assessment of capital in the formation of an investment portfolio in our country, as well as the development of investment activity in our national economy.

Keywords: investments, investment activity, investment portfolio, capital, capital valuation, income, expenses.

Инвестиция жараёнларини амалга оширишда ва капитал бюджетини тузиш жараёнида капитал баҳосини ҳисоблаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, капитал баҳоси инвестиция объекти баҳосини белгилашда тўғридан – тўғри таъсир этади. Иқтисодиётда ҳар қандай субъект ўз фаолиятини ривожланиш ва жорий операциялар нуктаи-назаридан молиялаштириш учун пул маблағларига эҳтиёж сезади. Бундай молиялаштириш давомийлигига кўра узоқ ва қисқа муддатли тусга эга. У, ёки бу молиялаштириш манбасини жалб қилиш, компания учун даврий тусдаги харажатлар билан боғлиқ.

Капитал ҳажмига нисбатан фоиз кўринишидаги бундай харажатлар йиғиндиси компания капитали баҳосини ўзида акс эттиради. Капитал баҳоси концепцияси инвестиция фаолияти муҳим назарияларидан бири бўлиб, компаниянинг юқори бозор баҳосини таъминлаш учун зарур бўлган инвестиция капитали рентабеллигини тавсифлайди. Компаниянинг бозор баҳосини максималлаштириш, фойдаланиладиган манбалар баҳосини маълум бир даражада минималлаштириш орқали эришилишлари.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 24-26 март кунлари бўлиб ўтган Тошкент халқаро инвестиция форумида нутқида, Ўзбекистон инвестиция жозибадорлигини ошириш, бизнес муҳитини янада яхшилаш. Давлат раҳбари бу борада 2022 йилдан президент ҳузурида хорижий инвесторлар кенгаши йиғилишларини мунтазам ўтказиб бориш йўлга қўйилишини таъкидлади. «Краудсорсинг платформаси ва замонавий рақамли ечимлардан фойдаланган ҳолда барча тармоқлар ва ҳудудлардаги инвесторлар ва тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри мулоқот ўтказишни давом эттирамиз», дея таъкидлаб ўтдилар [1]. Зеро, капитал баҳоси кўрсаткичи инвестиция лойиҳаларини ва компаниянинг инвестиция портфелини самарадорлигини баҳолашда кенг қўлланилади. Инвестиция фаолияти кўпинча қарорлар (айланма активларни молиялаштириш сиёсатининг шаклланиши, лизингдан фойдаланиш қарори, компаниянинг операция фойдасини режалаштириш ва ҳ.к.) компания капитал баҳоси таҳлиliga асосланиши бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Инвестиция портфелини шакллантириш ҳамда капитал баҳосини баҳолаш орқали миллий иқтисодиётимизда инвестиция фаолиятини ривожлантириш йўллари борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан кўплаб илмий изланишлар олиб борилган ҳамда тадқиқ этилган. Хусусан, хорижлик иқтисодчилар Shannon P. Pratt, Roger J. Grabowski ларнинг фикрига кўра, “капитал баҳоси бозор қатнашчилари томонидан маълум бир инвестиция лойиҳаларига маблағ жалб қилиш учун талаб қилинадиган ҳамда кутилаётган даромадлилик даражасидир [2]. Иқтисодий атама нуктаи-назаридан, капитал баҳоси бу маълум бир инвестиция лойиҳаси учун муқобил харажат, яъни қўлдан бой берилган бошқа бир яхши муқобил инвестиция лойиҳаси қийматидир. Mike Kaufman нинг фикрича “...ҳар қандай нарсанинг баҳоси унга эгалик қилиш учун тўланиши лозим бўлган пул миқдори сифатида аниқланиши мумкин. Капитал баҳоси эса, бу молия бозоридан капитал жалб қилиш учун компания томонидан ваъда қилиниши лозим бўлган маблағдир. Компания ўз капитал баҳосини ўзи белгиламайди, аксинча, компания капитал баҳосини аниқлаши учун бозорга кириши лозим. Аммо, капитал баҳоси молия бозорининг асосий ўлчов мезонларидан бири бўлиб, унинг ёрдамида компания фаолиятини аниқлаш мумкин [3]. Яна бир иқтисодчи олим Роджер Иббоцоннинг таъкидлашича “Муқобил капитал баҳоси (ing. opportunity cost of capital) маълум бир риск даражасида муқобил инвестиция қилиш орқали эришиш мумкин бўлган даромадга тенгдир” дея фикр билдириб ўтган [4].

Ф.Модилияни ва М.Миллер ўзларининг анъанавий ёндашувлари ва назариялари билан жавоб беришга ҳаракат қилганлар. Анъанавий ёндашувга кўра, оптимал капитал таркиби билан бирга унга боғлиқ бўлган капитал баҳоси ҳам мавжуд. Капитал баҳоси уни ташкил қилувчи ўз ва қарз капитали баҳосига боғлиқ. Капитал таркибининг ўзгариши биланок бу манбалар баҳоси ҳам ўзгаради [5]. Умумий манбада қарз капитали улушининг озгина ортиши ўз манбалари баҳосини ошишига сезиларли даражада таъсир кўрсатмайди. Қарз капитали улуши ошиши билан ўз капитали баҳоси ўсишни бошлайди, қарз капитали эса, баҳоси олдиниға ўзгармайди. Кейин эса, аста секинлик билан ўсишни бошлайди. Қарз капитали баҳоси ўрта ҳисобда ўз капитали баҳосидан паст бўлганда, оптимал капитал таркиби мавжуд бўлади.

Компаниянинг умумий капитали баҳоси дейилганда одатда ўртача тортилган капитал баҳоси (weighted average cost of capital, WACC) ни назарда тутамиз. Содда қилиб айтганда, “хусусий капитал баҳоси – бу, инвестор томонидан компаниянинг хусусий капиталиға қилинган инвестициядан кутилаётган даромадлилик даражасидир” Шуни тан олиш керакки капитал баҳоси қарз ва улушли инструментларнинг иккисига бирдек алоқадор бўлади.

Юқоридаги иқтисодчи олимлар томонидан билдирилаётган фикр ва мулоҳазаларда инвестиция портфелини шакллантириш ҳамда капитал баҳосини баҳоланишнинг молиявий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолани тайёрлашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, ундаги иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган. Мавзуни ўрганиш давомида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда тизимли таҳлил, умумлаштириш, абстракт-мантиқий фикрлаш, статистик усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Жорий капитал таркиби турли хил капиталнинг баланс қиймати орқали эмас, балки бозор қийматидан фойдаланиб ҳисобланиши лозим. Бу жараён компания томонидан эмиссия қилинган акция ва облигациялар молия бозорида сотилган тақдирдагина аниқ бўлади. Аммо, кўп ҳолларда бозор баҳоси очик эмас ва бу борада турли хил ёндашувлар мавжуд. Биринчи эътибор қаратиш керак бўлган нарса бу акция ёки облигациянинг бозор қийматини кўрсатиш учун компания томонидан қимматли қоғозлар бўйича амалга оширилган сўнги транзаксиялардир. Агар, у сўнги транзаксиялар бўлса, у зарур бозор қийматини аниқлашни таъминлайди. Облигацияларнинг бозор қийматини аниқлашнинг яна бир йўли бу облигациялар бўйича барча келажакдаги тўловларнинг соф жорий қийматини ҳисоблаш ва ниҳоят таққосланадиган компанияларнинг сўнги транзаксиялари ҳам бозор қийматини ҳисоблашда қўлланилиши мумкин.

Бугунги кунда компания капитал баҳосини ҳисоблашнинг турли хил методлари мавжуд бўлиб, улар ичида энг кўп қўлланиладигани WACC ҳисобланади ва у қуйидагича ҳисобланади:

$$WACC = \frac{E}{D + E} \times C_e + \frac{D}{D + E} \times C_d \times (1 - T)$$

Бу ерда, E - хусусий капиталнинг бозор қиймати, D – қарз капиталининг бозор қиймати, C_e – хусусий капиталнинг баҳоси, C_d – қарз капиталининг баҳоси, T – солиқ ставкаси.

WACC капитал баҳосини ҳисоблаш учун назарий жиҳатдан тўғри ҳисоблаш ўз навбатида ухта алоҳида қисмларга ажратилиши мумкин:

1. Капитал таркибини баҳолаш.
2. Хусусий капитални молиялаштириш учун капитал баҳосини ҳисоблаш.
3. Қарз капитални молиялаштириш учун капитал баҳосини ҳисоблаш.

WACCни аниқлашдаги биринчи кадам – бу, компаниянинг капитал таркибини баҳолаш бўлиб, у қуйидаги тўрт маълумот орқали баҳоланади:

- жорий капитал таркиби бозор қийматига асосланади.
- солиштириладиган компанияларнинг капитал таркиби таққосланади.
- келажакда мумкин бўлган капитал таркиби молиявий сиёсат ва корпоратив бошқарув стратегиясига асосланади.
- капитал таркиби мумкин бўлган паст WACC даражасига етарли даражада фоизни қоплаш, ҳамда оператив ва молиявий риск ўртасидаги ижобий балансни таъминлаш вақтида эришилади.

Асосий капиталга инвестициялар – янги асосий фондларни сотиб олиш ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилган харажатлар мажмуини билдиради. Сўнги 6 йилдаги асосий капиталга инвестициялар ҳажми динамикаси шуни кўрсатмоқдаки, у деярли 4 мартага кўпайиб, ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. (1-расм)



1-расм. Мамлакатимизда асосий капиталга инвестицияларнинг ҳажми динамикаси [6].
трлн. сўм

Инвестиция портфели қуйидаги белгиларга қараб классификация қилинади:

- қўйилмалар тури;
- ресурслар жойлаштирилиши муддати;
- инвестицияларнинг тармоқий ва ҳудудий йўналтирилганлиги;
- даромад олиш усули;
- риск даражаси.

Инвестиция операциялари банк томонидан ишлаб чиқилган шундай инвестиция сиёсатига мувофиқ олиб бориладики, ундаги асосий мезон банк мулкдорлари рози бўладиган риск ва даромадлиликнинг нисбатига асосланади. Замонавий бозор механизмларига асосланадиган иқтисодий шароитида ривожланган тижорат банклари инвестицион фаоллиги катта аҳамият касб қилмоқда.

Улар киритадиган инвестициялар жаҳон амалиётида реал секторнинг инновацион ўсишини молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бирини ташкил қилмоқда. Бунда банк инвестиция портфелини илмий асосланган тўғри ташкил қилиниши банк молиявий барқарорлигини таъминлашда ҳамда активлар даромадлилиги ва ликвидлигини зарур даражада сақлаб туришга имкон беради.

Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда сўнгги йилларда мамлакатимизда жами инвестициялар ҳажмида, марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг улуши, 2021 йилга нибатан 3,8 фоиз пунктга камайиб, 15,4 фоизни ёки 41,5 трлн. сўмни ташкил этди.

Мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 228,4 трлн. сўм ёки жами инвестицияларнинг 84,6 фоиз инвестициялари ўзлаштирилиб, 2021 йилга нисбатан 3,8 фоиз пунктга кўпайди.



2-расм. Худудлар кесимида асосий капиталга инвестициялар [7].

Келтирибган 2-расм маълумотларига кўра, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳудудий таркибида энг юқори кўрсаткичлар Қорақалпоғистон Республикасида яъни, ҳудуддаги жами инвестицияларнинг 12,7 фоизини, Сурхондарё вилоятида эса 12,1 фоиз ва Жиззах вилоятида – 9,7 фоиз миқдорида кузатилади. Корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан инвестициялар бўйича энг юқори улуш Тошкент шаҳрида кузатилиб, бу ҳудудда ўзлаштирилган инвестицияларнинг 52,1 фоизини ташкил этди. Шунингдек, Тошкент вилоятида 39,3 фоиз ва Навоий вилоятида 30,7 фоизни ташкил этди. Жалб қилинган молиялаштириш манбалари таркибида хорижий инвестиция ва кредитлар алоҳида ўринга эга.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами инвестициялардаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткичлар Сирдарё ва Бухоро вилоятларида кузатилиб, мос равишда 77,5 ва 56,8 фоизни ташкил этган.

Умуман олганда, инвестиция портфели – бу даромад келтирадиган воситалар тўпламидир. Улар риск даражаси, фойда ва инвестициялар муддати бўйича фарқланиши мумкин. Тегишли активлар тўпламини танлаб, инвестор ўзининг портфель стратегиясини муваффақиятли амалга ошириши мумкин.

Инвесторлар активлар билан ишлаш учун ҳар хил вақтга эга бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан , портфелларнинг икки асосий тури мавжуд:

Актив. Бунга бозор конъюнктурасининг тез ўзгариши туфайли кунлик мониторингни талаб қиладиган юқори рентабелликдаги хавфли воситалар киради. Яъни, инвестор кўпинча турли хил активларни сотиб олади ва сотади. Портфель IPO, юқори даромадли облигациялар, стартаплар, ўсиш акциялари ва бошқа воситалардан шакллантирилади. Хавфли воситалар тезда нарх кўтарилиши ва тўсатдан қийматини йўқотиши мумкин. Ўз вақтида фойда олиш учун сиз уларнинг ҳолатини доимий равишда кузатиб боришингиз керак.

Пассив. Инвесторларнинг доимий иштирокини талаб қилмайдиган активлардан ташкил топган портфель. Ҳар куни ёки ҳафтада бозор ҳолатини кузатишга вақти ёки хоҳиши бўлмаганлар учун жавоб беради. Бу ерда хавф даражаси ҳам, потенциал фойда миқдори ҳам паст. Бундай портфелларда кўпинча қимматбаҳо металлар, ўзаро фонд бирликлари, индекс фондларининг акциялари ва бошқа ишончли активлар мавжуд.

Инвестиция портфелини шакллантириш активларни танлаш ва инвестиция қилинган маблағларни улар ўртасида оқилона тақсимлаш ҳамда шу билан бирга, инвестиция портфелини шакллантиришнинг қуйидаги босқичлари ажратилади:

1. Инвестиция мақсадларини белгилаш ва инвестициялар вақтини аниқлаш.
2. Мақсадларга қараб портфел турини танлаш.
3. Қимматли қоғозлар бозори ва дунёдаги вазиятни ўрганиш.
4. Қимматли қоғозларни таҳлил қилиш ва портфел яратиш.
5. Инвестицияларнинг маълум бир даври учун яратилган портфелнинг самарадорлигини баҳолаш.
6. Ишлашни баҳолашга қараб портфелни созлаш.

Молия бозорларига сармоя киритиш-бу инвесторнинг қарор қабул қилиш жараёни – пулни қайси активларга, қайси ҳажмда, қанча муддатга инвестиция қилиш керак? Ушбу жараённинг натижаси инвестиция портфелини шакллантиришдир, яъни. инвесторда мавжуд бўлган молиявий активлар тўплами. У бир хил турдаги иккала воситани ҳам ўз ичига олиши мумкин, масалан, облигациялар, акциялар, бошқа қимматли қоғозлар ёки ҳар хил турдаги активларнинг комбинацияси.

Қимматли қоғозлар портфели-бу белгиланган мақсадга еришишга ёрдам берадиган маълум бир тарзда танланган ҳар хил турдаги молиявий активлар тўплами. Мақсадни муваффақиятли амалга ошириш учун хавф ва рентабелликни тўғри баҳолаш керак.

Даромадлилиқ-бу активларга инвестиция қилинган маблағларнинг самарадорлигини ифодаловчи миқдорий кўрсаткич. Бу инвестицияларнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, унинг ёрдамида сиз уларнинг рентабеллигини баҳолашингиз ва активларни бир-бири билан таққослашингиз мумкин. Хавф-бу ҳар қандай операцияда даромад олмаслик ёки зарар олмаслик эҳтимоли. Ҳар қандай оқилона инвестор хавфни фақат рентабелликнинг ошиши билан кўтаришга тайёр туриши лозим.

Инвестиция портфелини шакллантириш ҳамда капитал баҳосини баҳолаш орқали миллий иқтисодиётимизда инвестиция фаолиятини ривожлантириш йўллари юзасидан олиб борилган изланишлар бўйича қуйидаги хулосалар шакллантирилди.

1. Бизнинг фикримизча, инвестиция портфелини шакллантириш ҳар қандай инвестор учун муҳим вазифадир, чунки у охирида молиявий натижага таъсир қилади. Капитал йўқотишларсиз керакли натижага эришиш учун дастлаб инвесторнинг мақсадларини, унинг молиявий асосларини, портфелни шакллантириш тамойилларини ва бошқа омилларни ҳисобга олиш керак.

2. Инвестиция портфелининг муҳим таркибий қисми диверсификация ҳисобланади. Бу сизга унинг таркибий қисмларидан бири тушганда портфелнинг рентабеллигини сақлашга имкон беради. Бу хавфларни минималлаштириш ва рентабелликни сақлаш инвестиция портфелини яратиш зарурлигини тушунтиради. Портфель самарадорлигини мунтазам баҳолаш инвесторга молиявий мақсадга максимал даражада еришиш учун уни мослаштиришга имкон беради.

3. Муваффақиятли инвестиция қилишнинг иккита асосий принципига асосланади – бу ишда портфель инвестиция усулларидан фойдаланиш, бу биринчи навбатда рискларни камайтириш ва уларни назорат остида ушлаб туриш имконини беради. Портфелни шакллантириш-бу жуда катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилишга чуқур шўнғиш билан муҳим иш. Албатта, бу иш мустақил равишда амалга оширилиши мумкин.

4. Инвестиция портфелини шакллантиришда инвестиция мақсадларини белгилаш, мақсадларга мувофиқ молия бозорларини ўрганиш инвестициялар, инвестициялар учун активларни танлаш ва белгиланган рентабеллик даражаси ҳамда хавфларни камайтириш учун уларнинг нисбатларини аниқлаш, активларни сотиб олиш ва шаклланган портфел устидан жорий назоратни амалга ошириш лозим.

ИҚТИБОСЛАР

1. Ш. Мирзиёев – инвесторларга: «Президент ва ҳукумат муваффақиятингизни кафолатлайди». Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқи.
<https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/24/mirziyoyev/>

2. Shannon P. Pratt, Roger J. Grabowski. Cost of capital: Applications and examples, 3rd ed., 2008 year.

3. Mike Kaufman, “Profitability and the Cost of Capital,” in Chapter 8 of Handbook of Budgeting, 4th ed., ed. Robert Rachlin (New York: John Wiley & Sons, 1999), 8–3.

4. Ibbotson Associates, Cost of Capital Workshop (Chicago: Ibbotson Associates, 1999).

5. Modigliani F., Miller M. The cost of capital, corporation finance and the theory of investment// American Economic Review, Vol. 48, 1958, pp. 261–297.

6. www.stat.uz. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2022 йил.

7. www.stat.uz. Сайти маълумотлари асосида суаллиф томонидан тузилди.